



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2020 йил "15" феврал

№ 236

Yangibozor tumani

“Жайхун” маҳалласида фаолият кўрсатиб келаётган “Эломон” фермер хўжалигига кўшимча ер майдонлари ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, “Жайхун” маҳалласида фаолият кўрсатиб келаётган “Эломон” фермер хўжалигига кўшимча ер майдонлари ташкил қилиш учун кўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов якунлари натижалари ва хулосаси, “Ўзбекчорванасл” агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий “Чорванасл” маркази хулосасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов якунлари натижалари ҳамда хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туман ҳокимининг 2017 йил 2 сентябрдаги № 2122-сонли “Эломон” фермер хўжалигига ер ажратиш тўғрисидаги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. “Эломон” фермер хўжалигига туман ҳокими захира ҳисобидаги 351к, 352, 353, 348, 349, 350 - контурларда жойлашган умумий ер майдони 34,7 гектар, шундан, суғориладиган экин ери 31,9 гектар, йўллар 0,7 ариқ зовурлар 2,1 гектардан иборат ер участкаси кўшимча ажратиб берилсин.

3. “Эломон” фермер хўжалиги ҳисобида 351к, 352к, 353, 348, 349, 350, 351к, 137к,

139, 140, 142к, 143, 141, 152, 150 контурларда жойлашган умумий ер майдони 72,7 гектар, шундан, суғориладиган экин ери 66,7 гектар, ариқ ва зовурлар 3,6 гектар, йўллар 0,9 гектар, қурилишлар 1,5 гектардан иборат ер майдони эканлиги қайд қилинсин ва чорвачилик йўналишида фаолиятини давом қилдиришга рухсат қилинсин ҳамда ижара муддати 40 (қирқ) йил қилиб белгилансин.

4. “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Махмудов Пахлавонга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Махмудов Пахлавон ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

5. Фуқаро П.Махмудовга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- ҳудудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

6. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

9. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Ў.Курбонов